

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ПУЛАТОВ ДИЛШОД ХАКБЕРДИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА
ИЖРОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати

мундарижаси Оглавление автореферата докторской (DSc)

диссертации Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Пулатов Дилшод Хакбердиевич

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижросини

такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари.....3

Пулатов Дилшод Хакбердиевич

Методологические аспекты совершенствования казначейского исполнения

Государственного бюджета Республики Узбекистан.....30

Pulatov Dilshod Khakberdievich

The methodological aspects of the improvement of treasury execution of the State budget of the Republic of Uzbekistan.....57

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....60

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.16.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ПУЛАТОВ ДИЛШОД ХАКБЕРДИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА
ИЖРОСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан B2017.1.DSc/Iqt.2 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-сайтида (www.bfa.uz) ва «Ziynet» Ахборот-илмий порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилди.

Илмий маслаҳатчи: Хамидулин Михаил Борисович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳайдаров Низомиддин Ҳамроевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Эшназаров Тўлқин Шералиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил _____ даги № ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, иқтисодиёт фанлари доктори,
доцент

Н.Х. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда давлатнинг иқтисодий тартибга солиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш ҳамда давлат молиясини бошқаришдаги ислохотларнинг жадаллашуви шароитида умумдават молия тизимининг бош бўғини – давлат бюджетини бошқариш, бюджет жараёнини ташкил этиш, хусусан, бюджет ижросида кассали тизимдан босқичма-босқич ҳисоблаш усулига ўтиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада АҚШ, Япония, Франция, Австралия, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси каби мамлакатларда ғазначиликнинг функцияларини такомиллаштириш йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши ва бозор муносабатларига ўтиши давлат бюджетини шакллантириш ва бошқариш тизимини тубдан ислох қилишни тақозо этди. «...Макроиқтисодий пропорциялар, инфляцияни пасайтириш, пул ҳажмини ва давлат бюджети тақчиллигини чеклаш – буларнинг барчаси бозор механизми амал қилишининг, иқтисодий, молиявий барқарорликнинг ва собитқадамлик билан ўсишнинг муқаррар, энг муҳим шартларидир. Шу билан бирга назаримизда, ана шу мақсадларга эришиш суръатлари ва усуллари муҳим аҳамият касб этади»¹. Шунга кўра, Ўзбекистонда давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш доирасида давлат бюджети ғазна ижроси механизми жорий этила бошланди. Ғазначиликни жорий этиш бюджет даромадларининг тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда харажатларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш ва пул оқимларини самарали бошқариш имконини берди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг кейинги тўлқини бевосита давлат ташқи қарзининг кескин ўсиб кетиши орқали намоён бўлиб, бу ҳолат ушбу қарзларга хизмат кўрсатиш оқибатида давлат бюджети ғазна ижросида муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Хусусан, давлат бюджети маблағларини олувчилар томонидан уларни мақсадсиз ишлатиш ҳолатларининг ортиши, жумладан, бюджет ташкилотлари харажатлар сметасида назарда тутилмаган ҳамда мақсадсиз маблағлар сарфининг амалга оширилиши, бюджет ташкилотлари эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг бошланғич нархларини белгилашда коррупциянинг кучайиши, давлат бюджетида режалаштирилган даромадларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушумини таъминланмаслиги оқибатида касса узилишларининг вужудга келиши каби муаммоларнинг мавжудлиги уларни ҳал этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ 594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2011 йил 7 февралдаги 1475-сон «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б.569.

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 мартдаги 69-сон «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг махсус ахборот портали орқали электрон савдо йўли билан тадбиркорлик субъектларидан энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» қарори, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 24 мартдаги 20, 2016-14, 01-02/8-10-сон «Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш тўғрисида қарори, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидалари» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 – «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодий модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: International Financial Statistics, World Bank, Modern Public Finance, Treasury Department, Harvard University, Financial Crisis, Fiscal Policy and Economic Growth, Principles and Practice of Governance, Cambridge University, Corporate Finance and Valuation, Accounting, Banking and Corporate financial Management in emerging economies (АҚШ), Australian National University (Австралия), Institute for Fiscal Studies, University of Exeter (Буюк Британия), Kyoto University (Япония), University of Maastricht (Голландия), Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Тошкент молия институти, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази каби маҳаллий олий ўқув юртлари томонидан амалга оширилмоқда.

Дунёда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш, давлат бюджети ғазна ижросини жорий қилишни давлат томонидан тартибга солишнинг илмий-методологик, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилди: бюджет тизими ва бюджет жараёнини бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш (Principles and Practice of Governance, АҚШ); давлат бюджети маблағларидан

аудитни такомиллаштириш (Accounting, Banking and Corporate financial Management in emerging economies, АҚШ); давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш (Corporate Finance and Valuation, АҚШ); чекланган давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва манзилли фойдаланишга эришиш (Modern Public Finance, АҚШ) ва б.

Дунёда давлат молиясини бошқаришни такомиллаштиришнинг илмий методологик, ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асослари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида молияни бошқариш тизимини такомиллаштириш; амалдаги молия тизими, унинг таркибидаги ташкилот ва жараёнлар, меъёрий-ҳуқуқий база ҳолатини таҳлил қилиш; мазкур тизим самарадорлигини баҳолаш методикасини хорижий андозаларга мувофиқлаштириш; бюджет харажатларида кўзда тутилган лойиҳаларнинг самарадорлиги ва мақсадлилигини таъминлаш, жумладан, шартномалар тузишни яхшилаш ва мукамал ички аудит тизимларини жорий этиш; ғазна ижросини режалаштириш, бошқариш ва назорат тизими самарадорлигини ошириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари кўплаб хорижлик мутахассислар, жумладан: И.Г. Акперов, И.А. Коноплева, С.П. Головач, В.А. Зеленский, А.Г. Грязнова, Е.В. Маркина, С.Е. Прокофьев, И.В. Назарова, В.И. Стоян, О.И. Дроздов, А.С. Васин, Т.А. Хасбиулина, Н.Г. Иванова, Т.С. Маслова, В.В. Вершинина, Н.Б. Грошева, А.С. Ларионов, Ю.А. Черных, В.В. Бессонов, В.Ф. Костюченко, Л.Н. Потапова, Г.И. Маклева, А.И. Романенков, И.П. Рудовол, Ali Hashim, Bill Allan, Allen Schlick, Robert Keith, Edward Davis, Jack Diamond ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган¹. Ўзбекистонда давлат бюджети ғазна ижроси назарияси ва амалиётини ривожлантиришга Д.А.Қўчқоров, А.В.Вахабов, Т.К.Кучкаров, Т.Ш.Эшназаров, Г.А.Косимова, М.Т.Хайдаров, М.Остонакулов, Х.Ф.Тешабаев, Б.Э.Нурматов, Н.Г.Муминов, Б.Б.Сугирбаев, М.К.Зияев, А.А.Рахманов, М.М.Султанов, Б.И.Нурмухамедовалар муносиб ҳисса қўшган².

Шу билан бирга, замонавий фан тараққиёти, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози глобал тавсифи ва салбий оқибатларининг чуқурлашиши, иқтисодий тараққиётнинг ўзбек модели, хорижий тажрибани қўллаш амалиёти, иқтисодий алоқаларни замонавийлаштириш ва эркинлаштириш шароитида ғазна ижросининг кенгайтирилган моҳиятини талаб қилади ва унга иқтисодиётни тартибга солиш бўйича турли вазифаларни юклайди.

Бундан ташқари, юқорида кўрсатилган муаллифлар томонидан иқтисодий ва ижтимоий фаолият субъектлари билан бюджет ўртасидаги молиявий

¹ Тиницкий В.М. Казначейское дело. – М.: КНОРУС, 2010.; Акперов И.Г., Коноплева И.А., Головач С.П. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. – М.: КНОРУС, 2010. ² Кучкаров Д.А., Хайдаров М.Т, Тешабаев Х.Ф, Кучкаров Т., Эшназаров Т.Ш. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ғазначилик ижросини ташкил қилишнинг тамойиллари. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 2005.– 269 б.

муносабатларни тартибга солиш амалий механизмларини етарли даражада тадқиқ қилинмаган, хорижий асарлар эса ҳар доим ҳам республикамиздаги давлат молиявий маблағларининг шаклланиши ва ишлатилиши бўйича тизим билан уйғунлашмаган, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг етарли эмаслиги ва яхши ишланмаганлиги Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ғазна ижросининг методологик ва институционал асосларини, шунингдек амалий механизмларини такомиллаштиришни талаб қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Молия органлари ҳамда бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув марказининг И-2011-7-4 «Бюджет ташкилотларини паспортлаштириш» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижросининг методологик жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

давлат бюджети ғазна ижросини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш имконини берувчи методологик жиҳатларини ўрганиш; барча турдаги бюджетларнинг ғазна ижросига ўтишдаги юзага келадиган муаммоларини таснифлаш ва гуруҳлаштириш;

давлат бюджети ғазна ижроси бўйича жаҳон тажрибасини умумлаштириш; бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар бўйича давлат бюджети ғазна ижросини жорий этиш жараёнларини таҳлил қилиш; ёпиқ (махфий) тавсифдаги харажатларга эга бўлган бюджет ташкилотлари учун давлат бюджети ғазна ижросини қўллаш имкониятларини таққослама таҳлил қилиш;

давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими (ДМБАТ) шароитида давлат харидлари тизимини такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ғазна ижросини амалга оширишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган давлат бюджети ғазна ижроси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини Давлат бюджетини шакллантириш ва уни сарфлаш жараёнида юзага келадиган методологик жиҳатлар ва иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таққослама, тизимли, иқтисодий-статистик, эконометрик, корреляцион-регрессион таҳлил, монографик тадқиқот, статистик танланма, гуруҳлаш, солиштириш ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«бюджет ташкилоти», «бюджет маблағлари олувчи», «бюджет ижросига касса хизматини кўрсатиш», «давлат харидлари», «бюджет таснифи» тушунчаларини аниқлаштириш орқали Давлат бюджети маблағлари ҳисобини юритиш ва самарали ишлатилишининг илмий-услубий жиҳатдан таъминоти такомиллаштирилган;

ғазначилик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан бир қаторда Давлат бюджети маблағларини бошқаришни оптималлаштириш имконини берадиган, давлат бюджети ғазна ижроси жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар илмий асослаб берилган;

замонавий технологик ва техник мажмуаларни қўллаш ҳисобига бюджет тизими бюджетларининг даромадларини давлат бюджети ғазна ижроси билан қамраб олиш таклифи асосланган;

бюджетдан маблағ олувчилар барча бўғинларининг давлат бюджети ғазна ижросига тўлиқ ўтиши, ёпиқ (махфий) тавсифга эга бўлган харажатларни ўзига хос тартибини ҳисобга олган ҳолда, давлат молиясини бошқариш жараёнини такомиллаштириш юзасидан таклифлар асослаб берилган;

бюджет маблағи олувчиларнинг паспортлари лойиҳаси, электрон маълумотномаси, услубий қўлланма ва дастурий мажмуани ўз таркибига олувчи инновацион ишланма яратилган;

Ўзбекистондаги молиявий муносабатларни ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичи хусусиятлари ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштиришнинг методологик асослари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: касса узилишлари ҳолатларининг олдини олиш мақсадида даромадлар бўйича давлат бюджети ғазна ижроси масалаларини тартибга солувчи қонунчилик базасини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асосланган; давлат бюджети ғазна ижроси жараёнида Молия вазирлиги Ғазначилиги билан давлат бошқаруви органлари (Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, қисман Иқтисодиёт вазирлиги ва тушум йиғувчилари бўлган махсус органлар) ўртасида Давлат бюджетининг даромад ва харажатлари бўйича касса ижроси борасида маълумот алмашиш юзасидан идоралараро ўзаро ҳамкорлик алгоритми ишлаб чиқилган;

ЎзРТХБ махсус савдо майдончаларида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сотиб олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларига бошланғич нархларни ҳисоблашнинг биржа савдолари давомида шаклланган нархлар конъюнктурасини таҳлил қилишга асосланган иқтисодий-математик модели ишлаб чиқилган;

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг барча тоифаларини ҳисобга олган ҳолда Давлат бюджетининг ёпиқ (махфий) тавсифдаги харажатлари учун давлат бюджети ғазна ижросининг алоҳида тартиби қўлланилишини кўзда тутиб, бюджет тизими бюджетларини давлат бюджети ғазна ижроси билан тўлиқ ва босқичма-босқич қамраб олиш бўйича

таклифлар ишлаб чиқилган ва зарурати асослаб берилган;

9

даромадлар тўғридан-тўғри Ягона Ғазначилик Ҳисобрақамига ўтказилишини ва улар тегишли ғазначилик ҳисобварақларида акс эттирилишини, шу билан бирга ҳудудларда тури ва кимга тегишлилигига қараб очилган даромадлар бўйича транзит банк ҳисобрақамлари ёпилишини кўзда тутувчи модель яратилган;

бюджет ташкилотларида ҳисоб юритиш бўйича операцияларни автоматлаштириш йўли билан бюджет ташкилотларининг асоссиз харажатларини олдини олиш имконини берадиган ягона бюджет ҳисоби ва ҳисоботларини қўллаш тизими ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон товар-хон ашё биржасидаги нархлар, нархлар котировкалари бўйича электрон маълумотлар базасини тўплаш, мамлакатдаги йирик товар етказиб берувчиларнинг рўйхатини тузиш билан шуғулланадиган, божхона органларининг маълумотлар базасига кириш имконига эга бўлган мустақил орган яратиш бўйича таклифлар асослаб берилган;

битта шартнома бўйича қиймати эквивалентда 300 АҚШ долларида ошмайдиган ўхшаш (бир хил) товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидлари ўтказиш тартибга солиниши ва «сунъий тарзда майдалаш» ҳолатларининг олди олиншини таъминловчи давлат электрон харидларининг янги шакллари татбиқ этиш орқали товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидлари таомилларини оптималлаштириш ва такомиллаштириш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлат бюджети ғазна ижросининг методологик асосларини такомиллаштириш, турли давлат ташкилотларининг ўзаро алоқалари алгоритмини яратиш, давлат бюджетининг даромад қисмини ўз вақтида тўлдириш, бюджет ташкилотлари томонидан бюджет маблағларига харид қилинадиган товарларнинг нархлари юзасидан ғазначилик ташкилотлари томонидан мониторинг ўтказиш механизмининг самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган товарлар бўйича ўртача харид нархларини ҳисоблаб чиқиш ва тегишли фойдаланувчиларга етказиш, ёпиқ (махфий) тавсифдаги давлат бюджети харажатлари учун давлат бюджети ғазна ижросининг алоҳида тартибини қўллаш, давлат бюджетининг даромад ва харажатлари узлуксиз ва барқарор бажарилишини таъминлашга қаратилган илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан
Ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш

10

бўйича дастурлар ва узоқ муддатли режаларни ишлаб чиқишда, уларнинг фаолиятида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда, шунингдек иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация ишининг илмий таклифлари ва амалий тавсиялари асосида:

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини тайёрлаш жараёнида тадқиқотчи томонидан таклиф этилган «бюджет ташкилотлари», «бюджет маблағлари олувчилар» тушунчаларининг илмий-услубий ишланмалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг 2010 йил 9 ноябрдаги 04/1-13-228-сон маълумотномаси). Мазкур ишланмалар 2013 йилда қабул қилинган Бюджет кодексининг 4- ва 5-моддаларига киритилган;

давлат мулки, энергия ресурслари, асосий воситалар ва кам қийматли қимматликлар ҳисобини юритиш бўйича бюджет ташкилотларининг махсус дастурий мажмуалари ва паспортлари шакллари ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклиф амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўқув марказининг 2015 йил 30 мартдаги БА/41/1-302/167-сон маълумотномаси). Натижада бир йил давомида давлат бюджети касса харажатларини 5 фоиздан ортиқ миқдорда тежаш имконини берди;

замонавий технологик ва техник мажмуаларни қўллаш ҳисобига бюджет тизими бюджетларининг даромадларини давлат бюджети ғазна ижроси билан қамраб олиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2016 йил 5 майдаги ЖК/31-01/1-32-09/908-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётда қўлланилиши Давлат бюджети 25-40 млрд. сўм миқдоридаги даромадининг Ягона Ғазначилик ҳисобрақамига келиб тушишини ўртача 3 кунга тезлаштириш имконини берди. Шунингдек, тижорат банклари давлат бюджети даромадларини тўплаш вазифасини бажаришдан озод этилиб, иқтисодиётни молиявий таъминлаш сифатини ошириш масалаларига эътибор қаратишига имконият яратди;

турли даражадаги бюджетлар, хусусан, республика ва маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари харажатлар ваколатларини белгилаш бўйича тавсияси «Ўзбекистон Республикасида Бюджет тизимини ислоҳ қилиш лойиҳаси» томонидан амалиётга жорий қилинган (БМТнинг «Ўзбекистон Республикасида Бюджет тизимини ислоҳ қилиш лойиҳаси» Тараққиёт дастурининг 2014 йил 20 мартдаги BSR/04.03.14/09-сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир бюджет бўғинининг харажатлар ваколатларини тўлиқ таъминлашга бўлган қизиқиши ортди;

2011-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ўқув маркази билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузурида Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси ўртасида тузилган шартнома асосида «Паспортлаштириш»

11

дастурий мажмуаси лойиҳасининг инновацион таркибий қисмлари бўлган куйидаги йўналишлар бўйича тадбирлар амалга оширилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигининг 2012 йил 20 декабрдаги №БА/48/14-1057/971-сон маълумотномаси):

а) давлат мулки, энергия ресурслари, асосий воситалар ва кам қийматли кимматликлар ҳисоби бўйича бюджет маблағи олувчиларнинг паспортлари лойиҳаси ишлаб чиқилган. Бундан бюджет параметрларини ишлаб чиқишда, давлат харидларининг самарадорлиги ва уларни такомиллаштиришни таҳлил қилиш, норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин;

б) бюджет маблағлари олувчиларнинг Электрон маълумотномаси, маълумотлар тўплами ишлаб чиқилган;

в) «Паспортлаштириш» дастурий мажмуасидан фойдаланиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилган;

г) кроссформалиликни таъминловчи замонавий ВЕБ (Prime Faces) технологиялардан фойдаланилган JAVA дастурлаштириш тилида код ҳажми ПК-10 Mb бўлган дастурий мажмуа фойдаланишга топширилган;

Ўзбекистондаги молиявий муносабатларни ислоҳ этишнинг ҳозирги босқичи хусусиятлари ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштиришнинг методологик асослари «Ҳазначилик» дарслигига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 9 июндаги 220-030 сонли гувоҳномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 68 та илмий иш, шу жумладан, 2 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 29 та мақола, жумладан, 27 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 211 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини

амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

12

Диссертациянинг «**Давлат бюджети ғазна ижросининг методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида иқтисодийни модернизациялаш ва либераллаштириш жараёнида давлат бюджетининг роли ва ўрни белгиланган, давлат молиясини бошқаришни ташкил этиш бўйича назарий методологик асослар ва илмий концепциялар умумлаштирилган, давлат бюджети ғазна ижросининг ривожланиш босқичлари келтирилган, тадқиқот вазибалари бўйича назарий натижалар ва хулосалар ифодаланган.

Давлат бюджет сиёсатини юргизиш, давлат бюджетни даромадлар ва харажатлари ижросини самарали бошқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида» Қарори билан махсус молия органи – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди, шунингдек ушбу тузилмалар ходимларининг сони белгиланди. Давлат бюджетни ғазна ижросига ўтилиши бюджетга хизмат кўрсатиш механизмининг соддалаштирибгина қолмай, давлат бюджетни маблағлари шакллантирилиши ва ишлатилиши устидан назоратни кучайтириш имконини ҳам берди.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси борасида тўпланган амалий тажриба давлат молияси соҳасида, бюджетни ижро этиш жараёнида, Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёнларининг амалга оширишда Ғазначилик органларининг родини белгилашда назарий ишланмалар етарли эмаслигини кўрсатди. Ғазначилик органларида янги дастурий маҳсулотларни, шу жумладан электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиш, бюджет ҳисобини ислоҳ қилиш, бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини сўётлар режасини такомиллаштириш ва бошқа шу каби мазкур тадқиқотда кўриб чиқилган масалаларни ёритадиган махсус адабиёт етарли эмас.

Бюджет тузилиши ва давлат молиясини бошқаришнинг моҳиятини очиб берадиган асосий тушунчаларнинг талқинига турлича ёндашувлар борлигига эътибор беришнинг ўзи етарли, бу охир-оқибат давлат молиясини бошқаришга турли ёндашувларга олиб келади.

Давлат бюджетни мунтазам ривожланидиган категория сифатида мамлакатдаги умумиқтисодий вазиятга ва ривожланишнинг сиёсий иқтисодий йўналишига боғлиқ. Ўзбекистон Биринчи Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган тамойилларга асосланган ижтимоий иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги шароитида Давлат бюджетини муддат ва ҳажм жиҳатидан ўзаро боғлиқ бўлган давлат даромадлари ва харажатларини бошқаришнинг комплекс-мувозанатлашган тизими сифатида тавсифлаш мумкин.

Бундай фикрни илгари суришга мазкур илмий тадқиқотни олиб бориш жараёнида муаллиф томонидан ифодаланган бюджет муносабатларининг шакллантириш ва амалга ошириш принциплари асос бўлади. Диссертацияда

бюджет муносабатларининг асосий принциплари сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилган:

1) бюджет тизимининг ягоналиги;

13

2) бюджет тизими бюджетлари харажатлар ҳажми уларнинг даромадлари ва тақчилликни қоплаш манбалари йиғиндисининг ҳажмига мувофиқлиги;

3) бюджет тизими бюджетлари мустақиллиги;

4) Давлат бюджети даромад ва харажатлари ҳамда тақчилликни молиялаштириш манбаларини акс эттиришнинг тўлиқлиги; 5) бюджетнинг мувозанатлилиги;

6) Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишнинг натижадорлиги ва самарадорлиги;

7) Давлат бюджети харажатлари тўлиқ қопланиши;

8) шаффофлик (ошкоралик);

9) бюджетнинг аниқлиги;

10) бюджет маблағларининг манзиллилиги ва

мақсадлилиги; 11) бюджет харажатларининг идоравий мансублиги;

12) мунтазамлик (қонунда белгиланган вақт таомилларига аниқ ва қатъий риоя қилиш);

13) даврийлик (бюджетни қабул қилиш ва ижро этиш учун бир йиллик давр белгиланган);

14) ягоналик ва тўлиқлик;

15) бюджет харажатлари тўлиқ молиявий таъминотининг зарурлиги, шунингдек бюджетларнинг баланслашганлигини белгиловчи бюджет мувозанати;

16) бюджет харажатларини муқобиллаштириш ва минималлаштиришдан келиб чиқувчи танловнинг зарурияти тўғрисидаги аксиомани акс эттирувчи бюджет харажатларини амалга оширишнинг зарурияти.

Юқорида келтирилган 14- ва 16-тамойиллар Германияда бюджет амалиётида кенг қўлланилади¹.

Иқтисодий категория сифатида бюджет муносабатлари молиявий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисобланиб, у пул шаклига эга. Юқорида кўрсатилган принциплар молиянинг асосий функциялари орқали амалга оширилади (1-расм).

¹ Прокофьев С.Е., Назарова ИВ. Организация исполнения федерального бюджета в ФРГ // Финансы. 2006. - № 9. - С. 67.

14

1. Бюджетни шакллантириш (бюджет даромадлари)

Солиқли даромадлар;
бошқа даромадлар;
беғараз ва қайтарилмайдиган тарзда
бериладиган пул маблағлари.

2. Бюджетни ишлатиш

(бюджет харажатлари) жорий харажатлар; капитал
харажатлар.

**топиши ва ишлатилишини
назорат қилиш**

Бюджетнинг функциялари

3. Бюджет фондлари ташкил

1-расм. Бюджетнинг асосий функциялари¹.

Иқтисодий моҳиятига кўра, давлат бюджети пул муносабатлари бўлиб, бюджетни шакллантиришда миллий даромадни қайта тақсимлаш бўйича юридик ва жисмоний шахсларга эга давлатда пайдо бўладиган ва давлатга юклатилган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда бошқа вазифаларни бажаришга маблағларнинг мақсадли сарфланиши ҳисобланади. Бунда давлат молиявий ресурсларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг энг муҳим жабҳаларида жамлаш имкониятига эга бўлади.

Фақат инсон фаолияти жараёнидагина бюджетга хос бўлган хусусиятларнинг намоён бўлиши ва уларни тақсимлаш, тартибга солиш ва назорат қилиш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлиб, бу бюджет механизмида ўз аксини топади.

Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий принциплари – бу ягона касса ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини ташкил қилишнинг ягоналиги.

Бюджет маблағлари олувчиларни Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш шартлари бюджет қонунчилиги билан белгиланади.

Бюджет ижроси – ижроия ҳокимият органларининг пул маблағлари тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушиши ва сарфланишини таъминлашга қаратилган жами ҳаракатлари бўлиб, бу ҳаракатлар ўзига хос воситалар ёрдамида амалга оширилади. Мазкур тадқиқотнинг предметини очиб бериш мақсадида муаллиф асосий воситалар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатади: бюджет ташкилоти; бюджет маблағлари олувчиси; давлат харидлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бошқалар.

Диссертациянинг «**Жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ғазна ижросининг ташкилий-техник омиллари**» деб номланган иккинчи бобида саноати ривожланган мамлакатларда давлат молиясини бошқаришни таҳлил қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

15

Молия вазирлиги ташкил топиши ва ривожланишининг ташкилий-техник омилларига баҳо бериш асосида Давлат бюджети ғазна ижроси ривожланишининг замонавий тенденциялари асослаб берилган, махфий тавсифдаги Давлат бюджети харажатлари ғазна ижросининг ўзига хос тартиби қўлланилишини назарда тутувчи барча тоифадаги бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар ҳисобга олинган ҳолда, бюджет тизимининг ғазна ижроси билан тўлиқ қамраб олиш муаммолари аниқланган, бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботидаги ўзгаришларнинг илмий ва услубий шартлари ифодаланган.

Жаҳон тажрибасида бюджетни ижро этишнинг иккита асосий усули белгилаб олинган: ғазначилик ва банк. Бюджет ижросининг аралаш схемаси ҳам мавжуд.

Ғазначилик тизимида ғазначилик органларига бюджет ижросини ташкил қилиш, уларнинг счетлари ва бюджет маблағларини бошқариш юклатилган. Бу органлар бюджет маблағларини тақсимловчилар ва олувчиларнинг ғазначиси ҳисобланадилар ва бюджет ташкилотлари номидан ва уларнинг топшириғига кўра тўловларни амалга оширади.

Банк тизимида бюджет ижросини ташкил қилиш вазифасини Марказий банк бажаради (тижорат банклари ҳам қатнашиши мумкин). Банк тизимига нисбатан ғазначилик тизимининг устунликлари 1- жадвалда келтирилган¹.

Шу билан бирга, давлат бюджети ғазна ижросининг мавжуд тизими айрим камчиликлардан ҳоли бўлмай, хусусан, қуйидагиларда намоён бўлади: харажатларни молиялаштириш кўп босқичлилиги ва тўлов таомиллари мураккаблиги туфайли бюджет маблағлари олувчиларга тез етиб бормаслиги; бюджет маблағларини бошқариш мураккаблаштирилганлиги, бюджет маблағлари олувчиларнинг банк ҳисоб рақамлари кўплиги ва тарқоқлиги туфайли бюджет ижроси бўйича ҳисоботлар жамланиши;

бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат самарадорлиги етарли эмаслиги, яъни маблағ ажратилганидан сўнг назорат

амалга оширилиши ва солиқ инспекцияларининг ҳисобрақамлари бюджет маблағларининг ушлаб қолиниши.

1-жадвал

Давлат бюджети ижроси банк ва ғазна тизимлари ўртасидаги фарқ

Бюджет ижросининг банк тизими	Бюджет ижросининг ғазна тизими
Бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш эҳтимоли мавжуд	Бюджет маблағларидан мақсадсиз фойдаланиш эҳтимоли йўқ
Ажратилган маблағлар олувчига ўз вақтида етиб бормаслиги, кечикиб етиб бориши мумкин	Ажратилган маблағлар олувчиларга тўғридан-тўғри, энг кам банк муддатида етиб боради
Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан билвосита назорат тўловлар ўтганидан сўнг амалга оширилади	Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан бевосита назорат тўловдан олдин амалга оширилади, мақсадсиз сарфланиш имконияти истисно этилади

¹Государственные и муниципальные финансы России: учеб. пособие / Л.С.Гринкевич, Н.К.Сагайдачная, В.В.Казаков, Ю.А.Рюмина. - М.: КНОРУС, 2007. - С.175-176.

16

Назорат бюджет маблағлари олувчиларнинг ҳисоботлари асосида амалга оширилади	Назорат бирламчи тўлов ҳужжатлари асосида олиб борилади
Бюджетлар ижроси тўғрисидаги маълумот чорак ҳисоботлари асосида шаклланади, маълумотлар уч ой аввалги операциялар бўйича келиб тушади	Бюджетлар ижроси тўғрисидаги маълумот реал вақт тартибида келиб тушади
Бюджет маблағлари бюджетдан маблағ олувчиларнинг ҳисобрақамларида «тарқалиб кетган», «музлатилган» қолдиғидан самарали фойдаланиб бўлмайди	Барча бюджет маблағлари битта бюджет ҳисобида жамланган

2-жадвалга келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2008-2015 йилларда қуйидаги молиявий қоидабузарликлар кузатилган: бюджет маблағлари олувчилар томонидан маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳоллари кўпайиши, асоссиз кредиторлик қарзлари кўпайиши ва бюджет ташкилотлари билан етказиб берувчилар ўртасида шартнома тузилаётганда бюджет маблағлари олувчилар томонидан товар ва хизматларнинг нархлари ошириб юборилиши.

Умуман олганда, ғазначилик томонидан аниқланган ва олди олинган молиявий қоидабузарликлар таркибида бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолларининг салмоғи кўп: республика бўйича жами молиявий

қоидабузарликлар салмоғи 2008 йилда 0,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 16,3 фоизни ташкил этди.

Ҳар иккала тизимга хос камчиликларни бартараф этиш мақсадида мазкур илмий тадқиқотда бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг барча тоифаларини ҳисобга олиб, ёпиқ (махфий) тавсифдаги давлат бюджети харажатлари учун давлат бюджети ғазна ижросининг алоҳида тартиби қўлланилишидан воз кечган ҳолда бюджет тизими бюджетларини давлат бюджети ғазна ижроси билан тўлиқ қамраб олиш механизми таклиф этилган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2008-2015 йилларда олди олинган молиявий қоидабузарликларнинг турлари¹

2-жадвал

Олди олинган молиявий қоидабузарликлар нинг турлари	2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил	
	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%	млн. сўм	%
Шартнома тузмасдан тўлов топширикнома лари бериш	1378	0,6	5981	2,5	16870	7,2	22640	9,6	41019	17,4	68227	
Шартномада кўзда тутилганидан ортиқ суммага тўлов топширик номалари бериш	173	0,1	3757	1,9	8319	4,2	35849	18,2	21444	10,9	52510	
Ҳисобварақ-фактур ада кўзда тутилганидан ор тиқ суммага тўлов топширикномалари	97	0,1	5338	7,8	4985	7,3	13917	20,4	8642	12,7	13261	

бериш												
Нархи ошириб ёзилган тўлов топширикнома лари	96	0,3	2037	5, 9	1762	5, 1	6309	18, 3	4769	13, 8	7621	22, 1
Тасдиқланган смета лимитидан юқори хара жатларни тўлашга тўлов топширикнома лари	142	0,0 4	4299	1, 1	19992	5, 2	91324	23, 6	60986			15 498
Бошқалар	10884	0,4	37236	1, 3			270297	9,3	458464			
Жами қайтарилган тўлов топширикно малари	12770	0,3	58648	1, 5					285189 7 595324 28 617998			

¹
Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги маълумотлари асосида тузилган.

18

Диссертацияда Давлат бюджети маблағлари ҳисобини тартибга солиш мақсадида Ғазначилик бўлинмалари билан банклар ўртасида нақд пул тўлаш операциялари бўйича ахборот алмашиш схемасини жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф 2-расмда ўз ифодасини топган.

ҳисобрақамига хизмат

Бюджет маблағлари
олувчиси

Транзит ҳисобрақам

4
3
Ҳудудий ғазначилик
ҳисобрақами

Нақд маблағлар бўйича
кичик тизим

1

Ҳар бири бўйича ахборот:

тушум харажат қолдиқ

маблағ

Ғазначилик
4

Ҳудудий ғазначилик

кўрсатувчи банк

бўлинмаси

Нақд маблағларни олиш

транзит ғазна ҳисобрақамига

1 - нақд пул олиш учун сўровнома; 2 - нақд пул олиш учун тўлов топшириқнома; 3 - нақд пул олиш учун маблағни кўчириш; 4 - ғазначиликни нақд пул олиш учун чекини тўлаб бериш; 5 - ҳар бир ташкилот кесимида транзит счетлардан маблағларни тўлаганлигини тасдиқловчи банк кўчирмаларини, даромадларни тасдиқловчи кўчирмаларни кунлик электрон кўринишда тақдим этиш.

2-расм. Ғазначилик бўлинмалари билан банклар ўртасида нақд пул тўлаш операциялари бўйича ахборот алмашиш схемаси¹.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетининг ғазна ижросини жорий қилиш самарадорлигини баҳолаш» деб номланган учинчи бобида Давлат бюджетининг ғазна ижросини ривожлантиришнинг қонунчилик асосларига баҳо берилган, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси» ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 4 августдаги 69-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат бюджетининг ғазна ижроси қоидалари»га ўзгартиришлар киритиш зарурати, уларда қуйидаги масалалар ўз аксини топиши асослаб берилган:

давлат харидларини амалга оширишда коррупциянинг олдини олишни кўзда тутувчи чоралар;

давлат харидларини амалга ошириш таомиллари ҳақида маълумот ларнинг ошқоралиги ва улар билан танишиш имконини таъминлаш; адолатли рақобат ва қарор қабул қилишда ҳаққоний мезонларга

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

таянишни таъминлаш;

ички назорат, шунингдек ўтказилган давлат харидлари натижалари устидан шикоят қилиш ва эътироз билдириш бўйича самарали тизим яратиш; давлат электрон савдоларининг самарали ишлаши;

давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш чоралари; давлат органларининг мансабдор шахслари ва ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришларининг самарадорлиги мезонлари, стандартлари ва баҳолаш тизимларини жорий қилиш;

давлат хизматчиларининг манфаатлари қарама-қаршилигини ҳал қилиш нинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя қилини ши бўйича мониторинг ўтказилишини таъминлаш;

«Бюджет кодекси»да ғазначиликнинг функция ва вазифалари аниқ белгиланиши;

Давлат бюджети харажатларини рўйхатга олиш ва тўлашда электрон рақамли имзодан (ЭРИ) кенг фойдаланиш.

Бюджет ташкилотларини паспортлаштиришни амалга ошириш, шунингдек, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва тежаш

мақсадида бюджет маблағлари сарфланиши устидан узлуксиз назоратни ташкил этиш бўйича муайян чоралар таклиф этилади.

Бино (иншоот)нинг техник ҳолати паспорти (ТХП)ни ишлаб чиқишдан мақсад – тармоқ, штатлар ва контингент ҳолати ва бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни текшириш учун барча бюджет ташкилотлари бўйича маълумот тизимини яратиш ҳисобланади. Жорий қилинадиган Бюджет ташкилотининг паспорти расмий ҳужжат бўлиб, ташкилот бўйича умумий маълумотлар, ташкилотнинг энергетика объектлари, ёқилғи энергетика ресурслари ва сув истеъмоли ҳажмлари, ресурслар истеъмолининг солиштирма кўрсаткичлари, шунингдек ташкилот балансида бўлган бинолар тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади (3-расм).

Қўллашнинг устунликлари

Долзарблиги	«Паспортлаштириш» ДМ	On-line тартибда киритиш орқали барча фойдаланувчилар учун ягона ДМ версияси
Бюджет ташкилотларининг батафсил ҳисоби ва назорати. Ҳисоб жараёнини автоматлаштириш таҳлил қилинадиган вақтни қисқартиради	Марказлаштириш ва хавфсизлик ДМга барча аниқликларни	Мақсадга мувофиқлик Бухгалтерия ҳисоби хатоларини минималлаштириш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш

3-расм. Бюджет ташкилотларини паспортлаштириш мақсадлари ва устунликлари¹.

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

Паспортлаштириш жараёнида бюджет ташкилотларида ҳисоб юритиш операцияларини автоматлаштириш орқали бюджет ташкилотларининг асоссиз харажатларини олдини олиш имконини берадиган ягона бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини қўллаш тизими ишлаб чиқилган. Тизимда паспортлаштириш доирасида бюджет ташкилотлари тақдим этиши лозим бўлган кўрсаткичлар гуруҳи киритилиши назарда тутилади (3-жадвал).

Мазкур диссертацияда ишлаб чиқилган таклифларни жорий қилишнинг иқтисодий самарадорлиги иссиқлик-энергия ресурслари ва сув истеъмолига тўловлар бўйича ташкилот учун лимитларни ҳисоблашни назарда тутди. Истеъмол лимитлари ташкилот объектларининг ресурслар истеъмоли солиштирма кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳисобланади. i объекти учун ресурслар истеъмолининг солиштирма кўрсаткичи қуйидаги формула орқали топилади:

$$R_i = \frac{W_i}{(F_i \times t_i)} (1)$$

бу ерда $W_i - t_i$ кузатиш даврида объект томонидан истеъмол қилинган ресурс ҳажми;
 F_i - объект томонидан ресурс истеъмол қилинишини меъёрини белгилашда
 фойдаланиладиган базавий кўрсаткич.

Истеъмол қилинган ресурснинг солиштирма кўрсаткичи ташкилот объектининг энергия сиғимини тавсифлайди. Солиштирма кўрсаткичининг пасайиши объектнинг энергия сиғими камайгани ва энергия самарадорлиги ошганидан далолат беради.

Энергетик паспорт солиштирма кўрсаткичларининг барча қийматларини ҳисобланган, ҳақиқий ва базавий қийматларга бўлиш мумкин. Солиштирма кўрсаткичнинг ҳисобланган миқдори биноларни техник инвентаризацияси маълумотлари, техник лойиҳалар, давлат бошқаруви органлари қарорлари, энергия, сув таъминоти ва оқова ариқ шартномалари шартлари асосида аниқланади. Тижорат ҳисоби ва энергетик текширув воситаларининг кўрсаткичлари асосида олинган солиштирма қийматлар ҳақиқий қиймат ҳисобланади. Солиштирма кўрсаткичларнинг базавий миқдорларидан ташкилотлар истеъмол қиладиган ресурсларнинг базавий ҳажмларини ҳисоблаш учун фойдаланилади.

Бюджет ташкилотлари ҳисобланган ва ҳақиқий кўрсаткичларнинг фақат айримлари бўйича маълумотлар тақдим этадилар. Тақдим этилган маълумотлар асосида паспорт доирасида қайд этилган ва ҳақиқий кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади.

Ёқилғи-энергетика ресурслари ва сув истеъмолининг базавий қийматлари қуйидаги қоидалардан келиб чиқиб ҳисобланади: 1) умумий ҳолатда солиштирма кўрсаткичнинг базавий қиймати ҳақиқий қийматга тенг бўлади;

2) агар объект учун солиштирма кўрсаткичнинг ҳақиқий қиймати ҳисобланган кўрсаткичдан юқори бўлса, базавий қиймат сифатида ҳисобланган кўрсаткич қабул қилинади;

3) ҳақиқий қиймат бўлмаганда базавий қиймат сифатида ҳисобланган қиймат қабул қилинади.

Паспортлаштириш доирасида бюджет ташкилотлари тақдим этиши лозим бўлган кўрсаткичлар гуруҳи¹

Кўрсаткичлар гуруҳи	Гуруҳга кирувчи кўрсаткичлар
Умумий маълумотлар	Муассаса, ташкилотнинг асосий реквизитлар (номи, ташкилий ҳуқуқий шакли, рўйхатга олиш коди, манзили, мақоми, муассаса тури ва шакли, алоқа телефонлари). Банк реквизитлари. Муассаса, ташкилот тузилмаси (филиаллар, бўлимлар ва ҳ.к.). Муассаса, ташкилотни лицензиялаш тўғрисидаги маълумотлар. Муассаса, ташкилотнинг қуввати (режадаги ва ҳақиқий).

Кадрлар таркиби	Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони (штат ва штатдан ташқари ходимлар). Фуқаролик-хукукий хусусиятдаги шартнома асосида банд бўлганлар сони. Ўриндошлик асосида банд бўлганлар сони. Ходимларнинг ёш-жинс таркиби, маълумоти, мутахассисларнинг иш стажы, ходимларни қайта тайёрлаш ҳақида маълумотлар. Штат жадвали (мутахассислар тоифаларининг ажратилиши). Ишчи-табель календарь бўйича режалаштирилган иш вақти, ишда бўлмасликларни ҳисобга олган ҳолда, ходимлар ҳақиқатда ишлаган вақт (касаллик варақаси, хизмат сафари, ўқиш).
Манбалар бўйича маблағларнинг сарфланиши	Паспортнинг мазкур бўлими муассасанинг тасдиқланган харажатлар сметаси асосида тўлдирилади.
Асосий воситалар	Ер участкалари: - фойдаланиш ҳукуқи тўғрисидаги маълумотлар (муассаса, ташкилотнинг мулки, доимий муддатсиз фойдаланиш ҳукуқи, ижара ва ҳ.к.); - кадастр ҳисоби маълумотлари (кадастр рақами, кадастр қиймати); - майдони, мавжуд қурилмалар. 2. Бино ва иншоотлар: - фойдаланиш ҳукуқи тўғрисидаги маълумотлар; - бино (иншоот) тури, фойдаланиш мақсади, майдони (м²да); - тўлиқ ҳисоб қиймати, фойдаланиш муддати, эскириши, қолдиқ баланс қиймати; - тарихий ва маданий ёдгорликларга тегишлилиги. 3. Асосий фондларнинг бошқа турлари (асосий воситалар, номоддий активлар, моддий захиралар)
Энергия ресурслари	Турлари бўйича (электр энергияси, иссиқлик энергияси) энергия ресурслари истеъмол қилинишининг натурал ва қийматда ифодаланган ҳажми. Миқдор ифодасида энергия ресурслари истеъмоли ҳисоблагичлари мавжудлиги.
Махсус кўрсаткичлар	
Маданият муассасалари	Кутубхоналар: рўйхатдан ўтган китобхонлар; ташрифлар сони; кутубхона фондидан берилган нусхалар сони; ўтириш жойлари сони; нусха кўчириш-кўпайтириш техникаси борлиги; Интернет ва электрон почтадан фойдаланиш имконияти. Маданий-дам олиш муассасалари: томошабинлар учун ўринлар сони; ҳисобот даврида томошабинлар сони; ҳисобот давридаги спектакль, концертлар сони; тегишли ташкилотлар томонидан ўтказилган тадбирлар сони; кино-видео қурилмалар сони; ходимлар сони; маданий-дам олиш тузилмалари сони.

¹ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида тузилган.

22

i-ташкилот объектидаги ресурс истеъмоли ҳажмининг базавий қиймати ресурс истемолининг солиштирма кўрсаткичи базавий қийматидан келиб чиқиб аниқланади (R_{ib}):

$$, (2) W_{ib} = R_{ib} \times F_i \times t_{ib}$$

бу ерда t_{ib} – ресурс истеъмоли ҳисобланган даври.

Ташкилот томонидан ресурсни истеъмол қилиш жами базавий қиймати ташкилотга тегишли бўлган алоҳида объектда истеъмол қилинган ресурс ҳажмларини жамлаш орқали аниқланади.

Истеъмол қилинган ресурс учун тўловлар бўйича ташкилотнинг лимитлари қуйидагича аниқланади:

$$S_l = T \times W_{ib} \times k + S, \quad (3)$$

бу ерда T - истеъмол қилинган ресурс бўйича ҳақиқий тариф; W_{ib} - ресурс истеъмолининг базавий k қиймати; – ресурс тежамкорлиги бўйича топшириқдан келиб чиқиб ресурс тежамкорлигини S белгилловчи коэффициент; – таркибий энергия таъминоти.

